



# Ishonch

**МОҲИАТ**  
Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини куриш, демокдир.  
Ислом КАРИМОВ

Озбекистон касба уюшмалари Федератсияси нашри

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ҳақиқатан ҳам, қарийб йигирма йиллик мустақил тараққиётимиз мобайнида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баробарни, аҳолининг реал даромадлари 3,8 баробарни ташкил этгани эътиборга сазовордир. Айниқса, ижтимоий-гуманитар соҳада эришилган марралар — аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатларининг 5 баробар кўпайгани, турмуш даражасининг сезиларли равишда яхшилангани ва бунинг натижасида оналар ўлими 2 баробардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баробар камайгани, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етганини мамнуният билан таъкидласак арзийди, деб ўйлайман.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузасидан.**

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий маддан кучайтириш мақсадида:

1. 2010 йилнинг 1 декабрдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,1 баравар оширилсин.

2. 2010 йилнинг 1 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудиди энг кам:

иш ҳақи — ойига 49 735 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 97 285 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 49 735 сўм; болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 97 285 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва

меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 59 690 сўм миқдориди белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшилаётган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2010 йилнинг 1 декабрдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Белгилансинки, 2010 йилнинг 1 декабрдан бошлаб барча турдаги пенсияларнинг ўртача 1,1 баравар оширилиши уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қайта ҳисоблаб чиқилишини инобатга олган ҳолда амалга оширилади, бунда 1991 йилнинг 1 ян-

варигача ва ундан кейинги йилларда тайинланган пенсияларнинг миқдори тенглаштирилиши назарда тутилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўн кун муддатда пенсияларни қайта ҳисоблаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқлансин ҳамда барча турдаги пенсияларни оширишнинг аниқ миқдорларини белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим машоғли миқдорини маз-

кур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминлансин.

6. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Ҳўжалик ҳисобидаги қорхона ва ташкилотлар 2010 йилнинг 1 декабрдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш

ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 9 июлдаги ПФ-4224-сонли Фармони (8-банди истисно қилинган ҳолда) 2010 йилнинг 1 декабрдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
Тошкент шаҳри,  
2010 йил 15 ноябр

**И. КАРИМОВ**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!  
Бизни муштарак қадриятлар, бой таърихий ва маданий мерос бирлаштириб турган қардош Ўзбекистонга расмий таърифимиз вақтида менга ва делегациямиз аъзоларига нисбатан кўрсатилган алоҳида эътибор ва меҳмондўстлик учун Сизга яна бир бор чуқур миннатдорлик изҳор этишни истардим.

Гўзал мамлакатингизга расмий таърифимиз давомида ўтказилган самимий учрашувлар ва музокараларимиз, имзоланган Кўшма баёнот ва бошқа ҳужжатлар Ўзбекистон билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичда ривожлантиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилишига ишонаман. Кейинги йиллардаги ўзаро таърифларимиз мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ривожидидаги му-

ҳим воқеа деб ҳисоблайман.  
Ишонч билдириб айтаманки, ташрифимиз чоғида Хайдар Алиев номидаги Озарбойжон Маданият марказининг очилиши мамлакатларимиз билан халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада юксак даражага кўтариш ишига ўз ҳиссасини қўшди.

Озарбойжон икки томонлама асосда ҳам, шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотлар даражасида ҳам Ўзбекистон билан муносабатларга алоҳида аҳамият беради. Мамлакатларимиз ўртасида барча соҳалардаги дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришнинг катта имкониятлари мавжуд. Ишончим комилки, биргаликдаги сайё-ҳаракатларимиз иқтисодий масалалардаги ҳамкорлигимизни ҳам сиёсий соҳада бўлгани каби юксак дара-

жага кўтариш имконини беради.

Мен Арманистон-Озарбойжон, Тоғли Қорабоғ моҳирасини халқаро ҳуқуқ нормалари ва тамойиллари асосида бартараф этиш ишида Ўзбекистоннинг қатъий принципиал позицияси ва маданий юксак қадрлайман. Хар иккала қардош мамлакат — Озарбойжон ва Ўзбекистон халқаро ташкилотларда стратегик шериклар сифатида бундан бундан ҳам бир-бирларини қўллаб-қувватлаверишига шак-шубҳа қилмайман.

Сизга мустақкам соғлиқ, бахт-саодат, ишларингизда муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига эса тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Эътиром ила,  
**Илҳом АЛИЕВ,**  
Озарбойжон Республикаси Президенти

## Билим, тажриба, меҳр-муҳаббат



### Муваффақиятнинг асосий омилidir

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Бахтиёр Маҳмадалиев билан суҳбат

— Бахтиёр Ҳасанович, мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш соҳасида катта ўзгаришлар юз берди. Мазкур ислохотлар жараёнида тармоқ касба уюшмасининг ўрни қандай?

— Ҳеч мулоҳазасиз айтиш мумкинки, тиббиёт соҳаси тамомлаи англолаштирилган бўлиб қолди. Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, қишлоқ аҳолисига юқори тиббий кўрсаткишнинг йўлга қўйилаётганлиги, шифо масканлари барпо этилаётгани, муассасалар замонавий тиббий анжом ва малакали мутахассислар билан таъминланаётганлиги шулар жумласидандир.

Ислохотлар жараёнида, табиийки, тармоқ касба уюшмалари ҳам фаол иштирок этмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан кенг қўламли ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, жумладан, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини оммалаштириш, нодавлат секторни, хусусий врачлик амалиётини ривожлантиришнинг кучли иқтисодий механизмини шакллантириш ва соғлиқни сақлаш концепциясини ишлаб чиқиш давлат сиёсатини амалга оширишда бизнинг ҳам муносиб улушимиз бор.

Бу жараёнда ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, меҳнат муҳофазасига эътиборни кучайтириш, кам таъминланган, кўп болали, ногирон ва ёрдамга муҳтож инсонларга моддий ва маънавий ёрдам бериш, уларнинг соғлиғи ва дам олиши билан боғлиқ масалалар ижтимоий шерикчилик асосида жамоа шартномалари орқали ҳал этилмоқда.

Бугунги кунда Марказий кенгаш тасарруфида юридик шахс мақомига эга 1771 та бошланғич ташкилот мавжуд. Улар ўз атрофида 745470 нафар касба уюшма аъзосини жипслаштирган. Шундан 551888 нафари ишчи-ҳодим бўлса, 193582 нафарини талабалар ташкил этади.

Дарвоқе, жорий йилда аъзолар сафи 9195 нафарга кўпайди. Янги ҚВПлар очилиши, нодавлат сектор ташкилотларининг тармоқ касба уюшмаларига жалб этилиши каби омиллар орқали бунга эришилди.

— Ходимларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий манфаатлари муҳофазаси борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузасида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятида ижтимоий шерикчилик масаласи алоҳида ўрин туттишига жиддий эътиборни қаратди. Юрбошимизнинг мазкур маърузасида, жумладан: «Фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислохотларимизнинг очик-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролинини кучайтиришда «Ижтимоий шерикчилик тўғрисида»-ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қонунда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламлари-

нинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни тақомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормалар кўзда тутилсин даркор», дейилган. Демак, янги асрининг иккинчи ўн йиллигида касба уюшмалари фаолиятини янада, фаоллаштириш ва маъқенини ошириш учун кенг ҳуқуқий асослар яратилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорлигимизнинг ижтимоий шерикчилик асосида қурилганлиги жамоа шартномалари орқали кенг қамровли масалалар ечимини топиш, меҳнат муносабатларини самарали бошқариш, иш шaroитларини баҳолаш мезонларини келишиб олиш, шунингдек, жамоаларда ҳамжихатликни юзага келтириш имконини бермоқда. 1761 та ташкилотда жамоа шартномалари қабул қилинган бўлиб, бу эса 551560 нафар ишчи-ҳодимнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва меҳнат муҳофазаси таъминланди, деганидир.

Бугунги кунда тармоқда меҳнат муҳофазаси бўйича 11 нафар мутахассис, иш бевуқларнинг 1576 нафар вакили, 1,5 мингта касба уюшма кўмиталарининг комиссиялари фаолият кўрсатмоқда. «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар тўплами» услубий методик қўлланма сифатида тайёрланиб, 1000 данаси бошланғич ташкилотларга етказиб берилди. Айтиш лозимки, ҳар йили 100 нафардан зиёд касба уюшма фаоли УЗКУФК ўқув-мактабда ташкил этиладиган ўқув-машғулотлари жараёнида билим ва малакасини оширмоқда.

Ходимларни соғломлаштириш муҳим вазифалар қаторидан жой эгаллаган. Тиббиёт ходимлари кўни муносабати билан 70 нафар саломатлик посбони Марказий кенгаш томонидан «Умид гулшани» санаторийсида бепул соғломлаштирилмоқда. Уларга кўтаринки кайфият бағишлаш мақсадида турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, ҳар бир вилоятдан битта ва Қорақалпоғистондан иккита энг намунали ҚВПга Марказий кенгаш томонидан компютер олиб берилди.

Касба уюшма ташкилотлари ишнинг самарадорлигини ошириш, уларни меъёрий ҳужжатлар билан ўз вақтида ва тулиқ таъминлаш, касба уюшма раислари, фаолларнинг ўқувини ташкил этиш, тажриба алмашиш ва амалий ёрдам бериш мақсадида вилоятларда худудлар бўйича «Ўқув таянч марказлари» ташкил этилиб, компютер жамланмаси, нуска кўчириш ва бошқа ахборот-коммуникация аппаратлари билан таъминланди.

— Ешларни эртанинг муносиб эгалари этиб тарбиялаш борасидаги вазифалар «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида мукамал ифодасини топган. Тармоқ касба уюшма ташкилотлари томонидан ешларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича қандай тадбирлар амалга оширилди?

— Ўзбекистон — мутахассислар мамлақати. Шундан келиб чиққан ҳолда, олий ва ўрта махсус тиббиёт муассасаларида тахсил олаётган ижтимоий муҳофазага муҳтож, ёлғиз ва кўп болали оилаларнинг иқтисодий фарзандларидан 82 нафарига касба уюшма стипендиялари жорий этилди. Улардан 7 нафари Марказий кенгаш стипендиатидир.

(Давоми 2-бетда)



Тонг отди. Негадир танамда куч йўқ, ўзимни лоҳас ҳис қилаяман. Иситмам 39-40 лар атрофида. Шу пайт телефон жиринглади. Унга жавоб беришга чоғландим. Мунис бир аёлнинг мунгли товушига қўшилиб, оламини бўзиб юборишга тайёр турган жажжигина чақалоқнинг йиғиси эшитилди. «Қизимнинг

## «Намуна бўлишга интиляпмиз...»

мазаси йўқ, иссиғи 38 дан тўшмаяпти. Кечаси билан ухламадик, нима қилишни билмаяпман. Илтимос, бир келиб кетинг...» Қандай қилиб «менинг ҳам мазам бўлмапти» дея оламан. Тезда отла-

ниб, чақирилган хонадонга бордим. Қизалоқнинг томоғи кизариб кетган, ойқ-кўллари титраб, йиғидан ўзини тўхта-та олмапти. Биринчи тез тиббий ёрдамни кўрсатганидан сўнг, у ширингина

уйкуга кетди. Керакли муолажаларни ёзиб бериб, яна ўзимга кайтдим. Бу орада ўзининг дардим ҳам чекинганини ҳис қилиб, қувониб кетдим.  
(Давоми 2-бетда)

# Билим, тажриба, меҳр-муҳаббат

муваффақиятнинг асосий омилidir

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ёшларни соғломлаштириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини бажариш мақсадида Марказий кенгашнинг Андижон вилоятидаги «Шифокор» болаларни соғломлаштириш оромгоҳида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги тиббиёт ўқув юртлирида тахсил олаётган 100 нафар кам таъминланган иқтидорли ўқувчи-талаба дам олдирилди. Улар учун барча шароит яратилди.

Касаба уюшмаларининг бевосита иштирокида тиббиёт муассасалари, ўқув юртлири ва маҳаллаларда ёшлар тарбиясига бағишланган суҳбат ва учрашувлар уюштирилмоқда.

Талабалар турар-жойларида ташкил этилган «Маънавият ва маърифат» хоналарини матбуот нашрлари билан таъминлаш, қолаверса, «Энг яхши турар-жой», «Энг яхши хона» сингари кўрик-танловларнинг ўтказилиши ёшларнинг маънавий дунёқарашига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Оиланинг ёшлар тарбиясидаги ўрнини ошириш мақсадида тиббиёт муассасаларида ҳам касаба уюшма кўмиталари томонидан «Оилам — менинг фахрим», «Энг намунали оила», «Ибротли келинчак» тадбирлари уюшқоқлик билан ўтказиб келинапти.

— Мамлакатимизда хусусий тиббиёт муассасалари сони тобора кўпайиб бормоқда. Тармоқ касаба уюшмаси нодавлат секторда меҳнат қилаётган саломатлик посбонларининг ижтимоий муҳофазаси ва бошқа манфаатларини қай даражада қамраб олган?

— Хусусий тиббиёт муассасаларида қонун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий шерикчилик асосида ходимлар, айниқса, аёлларни муҳофазаси қилиш фаолиятимизда муҳим ўрин тутди.

Касаба уюшмалари органлари томонидан нодавлат сектор тизимидagi қорхона ва муассасалар ходимларини аъзоликка жалб этиш, янги ташкилотлар тузиш бўйича қатор ишлар амалга ошириляпти. Масалан, Жиззах вилоятида 51 та хусусий дорихона бирлаштирилиб, «Жиззах мед.Сервис» номи 55 ходимдан иборат йирик бошланғич касаба уюшма кўмитаси тузилди.

Бугунги кунда тармоққа қарашли 686 та нодавлат ташкилотда касаба уюшмалари фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилда тармоқ бўйича 57 та ташкилотда касаба уюшмаси тузилиб, 487 нафар ходим аъзоларимиз сафига қўшилди.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида тиббий хизматнинг нодавлат сектори муассасалари маъмурияти томонидан касаба уюшмалари билан келишилган ҳолда жамоа шартномаларида ягона тариф сеткаси бўйича республикада белгиланган энг кам иш ҳақи микдорини кўпайтирган ҳолда белгиланиши ходимлар даромадини ошириш ва ижтимоий муҳофазасини мустаҳкамлашга сезиларли таъсир кўрсатмоқда. 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига тармоқ касаба уюшмасига аъзо бўлган нодавлат ташкилотларнинг 95,6 фоизда жамоа шартномалари қабул қилиниб, ундаги бандларнинг бажарилиши 92 фоизни ташкил этди. Масалан, жамоа шартномалари бандлари Қашқадарё вилояти бўйича 96,6, Фарғона вилоятида 95,6 фоиз бажарилишига эришилди.

Тиббиёт соҳаси авваламбор билим, тажриба ва албатта, меҳр-муҳаббатга асосланади. Тармоқ ходимларига эътибор ҳам шунга муносиб бўлиши керак.

Шерзод АБДУСАМАНОВ  
суҳбатлашди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Педиатр бўлганимдан бениҳоя бахтиёрман. Болаларни жудаям яхши кўраман. 33 йиллик фаолиятим давомида касбимга бўлган меҳрим ортса-ортдики, камаймади. Эътиборимни нафақат ёрдам кўрсатишга, балки тиббий маданиятни оширишга, ҳар бир фарзанднинг оилада шахс сифатида тарбия топиши, соғлом турмуш тарзидан баҳраманд бўлиши учун масъул эканлигимизга қаратиб келдим.

Чилонзор тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли 39-оилавий поликлиника-миз Катта Дўмбробод, Нақшолик, Мевазор, Ш.Ғуломов, 2-Қатортол, Нўғайқўрғон, Навбахор маҳаллалари аҳолисига ҳамда шу ҳудудда жойлашган 4 та



# «Намуна бўлишга интиляпмиз...»

мактаб, 1 та лицей, 1 та коллеж, 1 та касб-хунар ўқув муассасаси, 1 та интернат, 7 та боғча ўқувчитарбияланувчиларига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Поликлиника бир смёнада 250 беморни қабул қилишга мўлжалланган. Амалда эса бу кўрсаткич 561 тага етди. Шифо масканимизда терапия, гинекология, педиатрия, лаборатория ва диагностика бўлимлари мавжуд. Уларда малакали мутахассислар фаолият кўрсатмоқда. Шулардан иммунолог Гулнора Шарипова, эмлаш ҳамшираси Феруза Ҳайдарова, юкумли касалликлар хона ҳамшираси Муҳайё Содиков, марказлашган стерилизация бўлими ҳамшираси Барно Зоҳидова, санита-

рия-маориф ишлари ҳамшираси Муқаддас Муҳаммедованинг хизматлари тахсинга сазовор. Туман ҳокимияти ФХДЭ бўлими, маҳалла маслаҳатчилари, Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали, Чилонзор туман тиббиёт бирлашмаси, 2-тери-таносил диспансери ҳамда 2-шаҳар пренатал марказлари билан ҳамкорликда ишляётганимиз яхши самара бераётир.

Соҳага доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар моҳияти ва аҳамияти бўйича маҳалла, мактаб ва коллежларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борапмиз. Жумладан, жорий йилда «Соғлом онадан — соғлом бола», «Рационал овқатланиш ва кам-

қонлик», «Репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш», «Жисмоний ва баркамол авлодни voyга етказиш», «ОИТС — аср вабоси», «Гигиенандлик ва унинг асоратлари» ва бошқа мавзуларда қатор тадбирлар ўтказилди.

Кези келганда, поликлиникамиз асосий кўрсаткичлар бўйича туманимизда «Энг намунали поликлиника» номинациясига муносиб топилганлигини таъкидлашни истардим. Бундай эътибор ва рағбат бизни янада фаолроқ ишлашга ундаши, шубҳасиз.

Заҳро ТЎРАЕВА,  
39-оилавий  
поликлиника бош  
шифокори.  
Икром ХАСАНОВ  
олган суратлар

# Кўнгилларга ҳузур улашиб...

Учтепа тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли 25-оилавий поликлиника терапевти, 5-участка врачлари Ирода Мирзаеванинг тиббиёт соҳасида ишлаётганига 33 йил тўлди. Шу давр ичида қанчадан-қанча беморлар у кишидан шифо топмади, дейсиз.

И.Мирзаевага ҳудуддаги 200 дан ошқ хонадон бириктирилган. Куннинг биринчи ярмида оилаларга борса, қолган қисмида поликлиникада беморларни қабул қилиш, кундузги ва уй шароитида даволаш, тиббий ҳужжатларни расмийлаштириш билан шуғулланади. Бундан ташқари, аҳолидан тушадиган шошилинч қақирувга ҳам улгуриши лозим.

— Ёшлигимда ҳаётнинг оғир синовларига дуч келганман, — дейди у. — Онам касаллик туфайли эрта вафот этиб, укаларим билан қийин аҳволда қолганмиз. Шифокор бўлиш нияти ўшанда дилимга тугилган бўлса ажаб эмас.

Ҳозирги кунда соғлом турмуш тарзини шакллантириш йўналишида иш олиб борапмиз. Жумладан, маҳаллалар билан алоқа ўрнатиб, оилада турли стрессларнинг олдини олиш, ўсмир қизларнинг гинеколог кўригидан ўтказиш бўйича тушунтириш ишлари йўлга қўйилган. Наслдан-наслга ўтадиган касалликларга йўл қўймайлик учун зарур тиббий тадбирлар амалга ошириляпти.

Бундан ташқари, аҳоли ўртасида дорилардан тўғри фойдаланиш, соғлиғига эътиборли бўлиш кераклиги тушунтирилмоқда. Тўғри овқатланиш, парҳез қилишнинг ҳам саломатлик учун фойдаси катта эканлигига алоҳида урғу берилляпти.

Комила БОЙМУРОВА,  
«Ishonch» мухбири



# Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши


Соҳа ходимлари ва барча  
юртдошларни Тиббиёт ходимлари  
куни ҳамда Қурбон ҳайити билан чин  
дилдан табриқлайди.

Уларга тинчлик  
ва омонлик,  
бахт-саодат,  
келгуси  
ишларида  
муваффақиятлар  
тилайди!



# Саломатлик — туганмас бойлик

«Ўзэкспомарказ» мажмуасида бўлиб ўтган «ParmMedExpo Uzbekistan» VI халқаро ихтисослаштирилган тиббиёт кўргазмаси иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.



Соғлиқни сақлаш вазири, Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзфарманоат» давлат

акциядорлик компанияси, Хорижий фармацевтика компаниялари ваколатхоналари уюшмаси, «Доридармон» ҳамда «ZarExpo» компаниялари томонидан ташкил этилган кўргазма тиббиёт соҳасидаги ютуқларни намойиш этиш билан бирга, икки томонлама манфаатли шартномалар тузиш имконини ҳам яратди.

Халқаро кўргазмада мамлакатимиз ва Хиндистон, Россия, Покистон, Украина, Қозоғистон каби давлатлардан 30 га яқин фирма ўз маҳсулот ва хизматларини тақдим этишди. Эътиборли жиҳати, Грузия, Жанубий Корея ва Бангладеш каби давлат вакиллари кўргазмада илк бор қатнашди.

Кўргазма стендларида намойиш этилган янги дори-дармонлар, лаборатория ва ташхис ускуналари, табиий косметика ва тиббиётга оид бошқа маҳсулотлар кўпчилигининг эътиборини тортиди.

Акмал ТОШЕВ,  
«Ishonch» мухбири.  
Икром ХАСАНОВ  
олган сурат

Мулкчиликнинг хилма-хил шакллари юзага келган бир шароитда касаба уюшмалари иш берувчилар билан ҳамкорликда ўзаро келишув ва ижтимоий шерикчилик тамойили асосида меҳнат муносабатлари ва низоларини адолатли ҳал этишга ҳаракат қилмоқда.

# Касабақўм нуфузи нодавлат секторда ҳам ортиб бормоқда

Янги ташкил этилган нодавлат сектори ходимларини касаба уюшмасига жалб этишга ҳам диққат-эътибор кучайиб бормоқда. — Жамоа шартномасининг мазмун-моҳияти ва сифатини яхшилаш, ижтимоий сугурта, аъзолик бадаллари тушувида янги молиявий сиёсатнинг амалга оширилиши ҳисобига меҳнат муҳофазаси, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар томонлама камол топтиришга, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга, ёш авлоднинг жисмонан бақувват, соғлом бўлишига хиддий аҳамият берилмоқда, — дейди Жиззах вилояти Тиббий диагностика маркази бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси Ҳамдам Сайдиев. — Замонавий тиббий диагностика асбоб-ускуналари ёрдамида малакали мутахассисларимиз кунига 50-60 нафар беморга ташхис қўйишляпти. Саломатлик масканида тўрт

нафар олий, беш нафар биринчи тоифали шифокор, уч нафар олий, беш нафар биринчи тоифали ўрта тиббиёт ходими меҳнат қилляпти. Беморларга урология, невропатология, кардиология, гинекология, терапия каби соҳаларда аниқ ташхис қўйиши уларнинг соғайиб кетишини тезлаштирмоқда. Бунда Б.Шодиёв, М.Пўлатова, М.Бахромова, С.Хусанова сингари малакали врач ҳамда Г.Кўшалиева, Қ.Муталова каби ҳамшираларнинг ҳиссаси катта.

Беморларнинг дил сўзлари битилган китобчани кўздан кечирар эканмиз, уларнинг марказ ходимларидан миннатдор эканликларига яна бир қарра амин бўлдик. Касабақўм раиси, 1-тоифали кардиолог-шифокор Ҳ.Сайдиев жамоатчилик фаолиятида 23 нафар ходимнинг ижтимоий-иқтисодий манфаати ва ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида маъмурият билан ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга эришляпти. Шунинг учун ҳам касаба уюшма нуфузи ва мавқеи ортиб бораётир.

Абдуманноп АЗИМОВ,  
«Ishonch» мухбири





# Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши

Ҳаётини эл саломатлигини муҳофазалашдек эзгу ишга бағишлаган, инсон дардига малҳам бўлиб яшаётган, юраги яхшилигу саховатга тўла шифокорларни, меҳр-шафқат тимсоли бўлган ҳамшираларни, соҳа фидойиларини касб байрами — Тиббиёт ходимлари куну ҳамда Қурбон ҳайити билан муборакбод этади.

Эл-юрт саломатлиги йўлида олиб бораётган масъулиятли ва олийжаноб ишларингизда омад ёр бўлсин!

**Ҳаётимиз фаровон, мустақиллигимиз абадий бўлсин!**



Мамлакат келажаги ёш мутахассисларнинг касбий тайёргарлик даражаси ва маънавий салоҳиятига боғлиқ. Шунинг учун ҳам мустақилликка эришган илк кунларимизданоқ ёш авлодининг жисмоний ва маънавий тарбиясига гамхўрлик давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

## Масъуллик ҳисси

Президентимизнинг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистонда Соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги фармонида тиббий хизмат сифатини ошириш, ҳар томонлама етук авлодни тарбиялаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш каби қатор долзарб вазифаларни амалга ошириш белгиланган эди. Мазкур фармон аҳолида соғлиқга жавобгарлик ҳиссини шакллантириш баробарида, Тошкент тиббиёт академиясида олий маълумотли ҳамшира факультетини очилишига сабаб бўлди.

2008 йилда пойтахтимиздаги М.Турсунхўжаева номидаги тиббиёт коллежини имтиёзли тугатганимдан сўнг билимимни янада бойитиш мақсадида айнан шу факультетда ўқишни давом эттиришга қарор қилдим.

Факультетимизда жарроҳлик, доялик, реанимация ва анестезиология, менежмент йўналишлари

бўйича малакали мутахассислар тайёрланади. Бу ихтисослик йўналишларидан менежментни танлаганим сабаби — оилавий тиббиётда турли ташкилий ишларни режалаштириб қўйганман. Чунки саломатлиқни мустаҳкамлаш ва касаллик профилактикасида масъулият кўпроқ оилавий тиббиёт ҳамшираси зиммасига тушади.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор Барно Холматова, Тўлқин Аҳмедов, Комила Эшбоева сингари жонқур устозларимиз касбимизнинг моҳир устаси бўлиб етишишимизда билим ва меҳнатини аммапти.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ҳамширалик иши бўйича Вена конвенцияси тавсиясига кўра, оилавий ҳамшира бирламчи тиббий санитария ёрдамнинг муҳим категориядаги профессионал ходими бўлиб, саломатлиқни мустаҳкамлаш ва касалликнинг олдини олишда керакли парварошни таъминловчи бўлин ҳисобланади.

Шуни мамнуният билан айтиш лозимки, менежмент йўналиши бўйича Тошкент тиббиёт академиясида олий маълумотли ҳамширалар учун «Ҳамширалик ишини ташкил этиш ва уни бошқариш» йўналиши бўйича магистратура ҳам очилган. Бакалавриатуранинг тугатганимдан сўнг, ана шу имкониятдан фойдаланиш ниятидаман.

Модомики, замон талабларига жавоб берадиган, кенг тафаккур ва чуқур билимга эга мутахассисларнинг янги авлодини тарбиялаш долзарб масалалардан саналар экан, биз ёшлар бунга аъло ўқиш, бор билим ва маҳоратимизни ҳалқимиз саломатлигига йўналтириш билан жавоб беришимиз керак.

**Юлдуз КАРИМОВА,**  
Тошкент тиббиёт академияси,  
Олий маълумотли ҳамшира факультети 3-босқич талабаси

## «Умид гулшани» масъулияти чекланган жамияти маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси

Барча юртдошларимизни Тиббиёт ходимлари куну ва ҳайит байрами билан самимий муборакбод этади ва мазкур сиҳаттоҳда дам олиб, даволанишга таклиф этади.



Санаторийда аёллар ва эркаклар жинсий аъзоларида учрайдиган касалликлар, бепуштлиқ, асаб, бўғим касалликлари ҳамда эндокрин безлар касалликларини даволашда юқори тажрибали, олий тоифали гинеколог, андролог, уролог, невропатолог, эндокринолог, физиотерапевт, стоматолог шифокорлари хизмат қилмоқда.

Диагностика — даволаш бўлимида жаҳон андозаларига мос замонавий ташхис услубларидан УТТ, ЭКГ, ИФА (иммуно-ферментли анализатор) яъни қонда барча инфекция, гормон, қанд микдорларини аниқлаш, клиник лаборатория хизматларидан, турли замонавий физиотерапевтик даво усуллари, юқори минераллашган маъданли балчиқ ванна ва аппликацияларидан, доривор гиёҳли дамламалардан, уқалаш, сув ости уқалаш, ница билан даволаш, шунингдек, ташхисга асосан даволаш жисмоний машғулотлари, замонавий тренажер, сауна, сув ҳавзаларидан, оғриқсиз стоматология хизматларидан фойдаланиш мумкин.

Оилавий дам олувчилар учун ётоқ

бўлимларида барча шароитларга эга коттеж, «люкс» хоналар мавжуд.

Беморларнинг яхши дам олиб, овқатланишлари учун буюртмага асосан ширин, лаззатли 4 маҳал парҳез овқат, мавсумга қараб витаминли столлар мавжуд. Кутубхона, ёзги ва қишки чойхона, ракс тушиш майдончаси, диско клуб, теннис, волейбол майдончаси бор. Талаб ва ис-такларга қараб шаҳар бўйлаб экскурсиялар ташкил этилади, санаторийнинг ўзида кинофилмлар намойиш қилинади.

Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай шаҳарчаси, Навоий кўчаси, 1-уй.  
Тел: (8-37095) 67-955; (8-371) 289-20-92.

## Санъатга ошuftа дил

Ёшларнинг санъат ва бадиий ҳаваскорлик ижодиётига бўлган қизиқишини ўстиришга қаратилган «Ўзбекистон, сени қулайман» фестивали янги номларни кашф этмоқда.

Соғлиқни сақлаш ходимлари Қашқадарё вилоят кенгаши томонидан ўтказилган кўрик-танловда туманлар тиббиёт бирлашмаларида сараланган санъат ихлосмандлари мусика ва ракс йўналишлари бўйича маҳоратини намойиш этишди.

Танлов катнашчиларининг мақом, анъанавий ижрочилик, эстрада, миллий созандачилик, яқка ракс ижрочилиги бўйича чиқишлари ййигиланларга «Тиббиёт ходимлари куну» арафасида байрам кайфиятини улашди.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, Китеб туман тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Холида Шарипова (мақом), вилоят асаб-руҳий касалликлар диспансери ходими Улуғбек Акбаров (эстрада кўшиқчилиги) ҳамда Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Гулрух Умидова (ракс) санъат фестивалининг вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ўтказиладиган навбатдаги босқичига йўлланма олишди.

Ғолиблар тўрмоқ касаба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан фахрий ёрлик ва совғалар билан тақдирланди.

Акмал АБДИЕВ,  
«Ishonch» мухбири

Республикамизда аниқланган бир қатор маъданли сувларнинг минг дардга даъво эканлиги ўз исботини топмоқда.

## Томчисида ҳаёт жилваси

Чунончи, «Чимён» санаторийсидаги минерал сув ўзининг шифобахлиги борасида Сочи курортидаги «Мацеста» билан бемалол беллаша олади. «Чортоқ», «Хонқа», «Нихол» санаторийлари минерал сувидан йод ва бром микдори юқори бўлса, «Абу Али ибн Сино»да «Пятигорск» санаторийсидаги каби радонли сув борлиги аниқланган. «Турон», «Бўстон», «Ботаника», «Ситораи Моҳи Хоса», «Қашқадарё соҳили», «Олтинсой», «Косонсой», «Чинобод» эса хлорид-гидрокарбонат натрийли сувга эга.

Дарвоқе, «Чинобод» санаторийсининг шифобахш суви гастрит, ошқозон яраси, холецистит, гепатит, колит, ўн икки бармоқли ичак яллиғлиғини касалликларини даволашда, ичакни чайиш, меъдани ювишда яхши самара бермоқда. Ошқозон секретсияси пасайганда, 20-25 С°, юқори секретсия ҳолатида эса 40-45 С° ҳароратда иччи тавсия этилади. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, «Чинобод» маъданли сувини қадоклаш йўлига қўйилган бўлиб, унга талаб тобора ортиб бормоқда.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,  
«Ishonch» мухбири

